



ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРИЛИШ ВАЗИРИНИНГ БУЙРУҒИ

ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 2.177*-бандига ўзгартириш киритиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик кодексига асосан буюраман:

1. ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларининг 2.177*-банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

“2.177*. Иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун том тепасига ўрнатиладиган қуёш коллекторларини қўллаш тавсия этилади. Бунда, қуёш коллекторлари ҚМҚ 2.04.16 га мувофиқ лойиҳалаштирилиши лозим.

Қуёш коллекторлари бино фасадларида қўлланилганда, уларни ўрнатиш учун маҳкамлаш жойлари назарда тутилиши керак.

Қуёш коллекторларини том тепасига, фасадларга ёки ер сатҳига жойлаштириш жойини танлаш лойиҳа топшириғига асосан маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда амалга оширилади.

Жамоат бинолари ва иншоотларини лойиҳалаштиришда йилнинг илиқ даврида иссиқ сув таъминотининг камида 25 фоиз миқдорини, таълим ташкилотлари ҳамда даволаш-профилактика муассасалари биноларида иссиқ сув таъминотининг камида 50 фоиз миқдорини қуёш коллекторларини қўллаган ҳолда қоплаш назарда тутилади.”.

2. Мазкур буйруқ Ўзбекистон Республикаси Энергетика вазирлиги, Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги ҳузуридаги Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги, Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Мактабгача таълим вазирлиги ҳамда Соғлиқни сақлаш вазирлиги билан келишилган.

3. Мазкур буйруқ расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

Қурилиш вазири



Тошкент ш.
2022 йил 16 август,
145 сон

Zakirov B. I.

Келишилди:

Бош директор

Тошкент ш.
2022 йил 15 август,

**Олий ва ўрта махсус таълим
вазир**

Тошкент ш.
2022 йил 11 август,

**Соғлиқни сақлаш вазирининг
биринчи ўринбосари**

Тошкент ш.
2022 йил 15 август,

Мактабгача таълим вазир

Тошкент ш.
2022 йил 09 август,

Вазирнинг биринчи ўринбосари

Тошкент ш.
2022 йил 10 август,

Тошкент ш.
2022 йил 16 август,



Sattarov D. N.



Ташкуллов А. Х.



Иноятлов А. Ш.



Shin A. V.



Axmedxadjayev A. I.



Saidov B. O.

ШНҚ 2.08.02-09* “Жамоат бинолари ва иншоотлари” шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларига
киритилаётган ўзгартиришлар ва қўшимчалар бўйича

ТАҚҚОСЛАМА ЖАДВАЛИ

Амалдаги таҳрир	Таклиф этилаётган таҳрир	Асос
-----------------	--------------------------	------

<p>2.177*. <i>Йилнинг илиқ даврида</i> иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун иссиқ сувнинг “<i>қуёш нурли</i>” коллектор-гелиогенераторларини том тепасига ўрнатиб актив гелиотизимларни қўллаш тавсияланади. Иссиқ сув ҳосил қилиш учун қуёш нури қурилмаларини лойиҳалашни ҚМҚ 2.04.16 га мувофиқ амалга ошириш зарур. Актив гелиотизими учун бинонинг тарзи фойдаланилганда махсус қуёш нури коллекторлари ўрнатилиши назарда тутилиши шарт.</p> <p>У ёки бу гелиогенераторларни (қуёш нури қурилмаларини, коллекторларини) қўллаш, уларни том тепасига, тарзларга, ер сатҳига ёки қандайдир бошқа иншоотларга жойлаштириш ўрнини танлаш лойиҳа топшириғига асосан маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда бажарилиши лозим.</p> <p>Тўлдирилмоқда.</p>	<p>2.177*. Иссиқ сув таъминоти мақсадлари учун иссиқ сувнинг қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини том тепасига ўрнатиб қуёш коллекторларини қўллаш тавсия этилади. Қуёшли иссиқ сув таъминоти учун қуёш коллекторлари ҚМҚ 2.04.16 га мувофиқ лойиҳалаштирилиши лозим.</p> <p>Қуёш коллекторлари учун бинонинг фасадларидан фойдаланилганда махсус қуёш коллекторлари ўрнатилиши назарда тутилиши керак.</p> <p>У ёки бу қуёшли иссиқ сув таъминоти қурилмаларини ва қуёш коллекторларини қўллаш, уларни том тепасига, фасадларга, ер сатҳига ёки қандайдир бошқа иншоотларга жойлаштириш ўрнини танлаш лойиҳа топшириғига асосан маҳаллий шароитларни ҳисобга олган ҳолда бажарилади.</p> <p>Мазкур ШНҚда назарда тутилган жамоат бинолари ва иншоотларида иссиқ сув таъминотининг камида 25% миқдори, мактабгача таълим ташкилотлари, таълим ташкилотлари ҳамда даволаш-профилактика муассасаларида иссиқ сув таъминотининг камида 50% миқдори қуёш коллекторларини қўллаш ҳисобига қопланиши лозим.</p>	<p>Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёев раҳбарлигида 2022 йил 6 май куни ўтказилган кенгайтирилган йиғилишнинг 42-сонли баёнининг 17-банди билан: Қурилиш вазирлигига (Закиров), Энергетика вазирлиги (Ходжаев) Ўзбекистон техник жиҳатдан тартибга солиш агентлиги (Саттаров) билан биргаликда икки ой муддатда янги қурилаётган ва реконструкция қилинаётган бино ҳамда иншоотларнинг энергия самарадорлигига нисбатан талабларни тубдан ошириш мақсадида муқобил энергияда ишлайдиган сув иситиш тизимлари жорий этиш бўйича шаҳарсозлик нормалари ва қоидаларини қайта қўриб чиқиш ва аниқ таклифлар киритиш топшириғи берилган. Киритилаётган ўзгартириш (қўшимча)лар бино-иншоотларнинг энергия самарадорлигини оширишга ва иссиқ сув билан таъминлашда энергия ресурслари (газ, электр) тежалишига имкон яратади.</p>
--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------	--------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------